

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.05/31.03.2023.Qx.159.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ, АГРОБИОТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ  
ХАВФСИЗЛИГИ ИНСТИТУТИ**

**РАХМОНОВА ХУРШЕДА ҚУРБАНБОЕВНА**

**СОЯНИНГ ЎСИШИ РИВОЖЛАНИШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ЭКИШ  
МЕЪЁРЛАРИ ҲАМДА МИНЕРАЛ ЎЎИТЛАРНИНГ ТАЪСИРИ**

**06.01.08-«Ўсимликшунослик»**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

**АНДИЖОН – 2024**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Диссертатсия  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation on  
agricultural sciences**

**Рахмонова Хуршеда Курбонбоевна**

Соёнинг ўсиши ривожланиши ва ҳосилдорлигига экиш меъёрлари ҳамда  
минерал ўғитларнинг таъсири..... 3

**Рахмонова Хуршеда Курбонбоевна**

Влияние нормы высева и минеральных удобрений на рост, развитие и  
урожайность сои..... 21

**Rakhmonova Khursheda Kurbonboyevna**

The effect of the seeding rate and mineral fertilizers on the growth,  
development and yield of soybeans..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 44

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.05/31.03.2023.Qx.159.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ, АГРОБИОТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ  
ХАВФСИЗЛИГИ ИНСТИТУТИ**

**РАХМОНОВА ХУРШЕДА КУРБАНБОЕВНА**

**СОЯНИНГ ЎСИШИ РИВОЖЛАНИШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ЭКИШ  
МЕЪЁРЛАРИ ҲАМДА МИНЕРАЛ ЎЎИТЛАРНИНГ ТАЪСИРИ**

**06.01.08-«Ўсимликшунослик»**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

**АНДИЖОН – 2024**

Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.2.PhD/Qx1119 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Шароф Рашидов номидаги Самарқанд Давлат университети Агробиотехнологиялар ва озик-овқат институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида [www.ddeiti.uz](http://www.ddeiti.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Халилов Насриддин,  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар:

Негматова Сурайё Тешаевна,  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, к.и.х.

Холдарова Дилпуза Эргашбоевна,  
қишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа доктори,  
доцент.

Етакчи ташкилот:


Тошкент давлат аграр университети

Фалсафа доктори (PhD) диссертация химояси Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги PhD.05/31.03.2023.Qx.159.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «20» 09 куни соат 16<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170600, Андижон вилояти, Куйган-ёр шаҳарчаси, Андижон кўчаси 36-уй, Тел.: (+99874) 373-12-05; факс: (+99874) 373-12-05; e-mail: [ddeiti19@mail.ru](mailto:ddeiti19@mail.ru); Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Маъмурий биноси, 2-кават, анжуманлар зали).

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 25 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170600, Андижон вилояти, Куйган-ёр шаҳарчаси, Андижон кўчаси 36-уй.

Диссертация автореферати 2024 йил «30» 08 куни тарқатилди.  
(2024 йил «03» 08 даги № 112 рақамли реестр баённомаси)



  
Р.И.Сиддиқов,  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д.,  
профессор.

  
И.И.Абдуллаев,  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,  
к.х.ф.ф.д., доцент.

  
С.О.Абдурахмонов,  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий  
семинар раиси, к.х.ф.д.,  
профессор.

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда “дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатларида йилига 130 млн. гектар майдонда соя етиштирилиб, 372,0 млн. тоннага яқин дон ҳосили олинмоқда”<sup>1</sup>. Соя етиштиришда етакчи давлатларга Бразилия, АҚШ, Аргентина, Хитой, Ҳиндистон каби давлатларни киритиш мумкин бўлиб, ушбу давлатлар дунёда етиштирилаётган соя донини 89,0 фоизини ишлаб чиқаради. Statista очиқ оммавий сайти маълумотларига кўра “соя етиштириш сўнги 10 йилда 48,3 фоизга кўпайган”<sup>2</sup>. Бундан кўриш мумкинки, дунёда аҳолини ва озиқ-овқат саноатини соя донига бўлган эҳтиёж йилдан йилга ўсиб борган. Бу эса ўз навбатида соя экинидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш ва бугунги кунда дунёда юз бераётган глобал иқлим ўзгаришига бардошли навларни яратиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Дунёда соя етиштиришда етакчилик қилиб келаётган ва қишлоқ хўжалиги ривожланган АҚШ, Бразилия, Хитой, Аргентина каби давлатларда соя экинидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда табиатнинг стресс омилларга бардошли янги авлод навларини яратиш ва ушбу навларни минтақалар кесимида мақбул экиш муддатлари ва кўчат қалинликлари, минерал ўғитлар билан озиқлантириш меъёрлари ҳамда суғоришга бўлган талаби тизимли равишда ишлаб чиқиши ҳисобига гектаридан ўртача 35-38 центнердан дон ҳосили етиштиришга эришиб келинмоқда. Соя ўсимлигидан юқори ва сифатли дон ҳосилдорлигига эришишда барча навларни биологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда минтақалар кесимида мақбул кўчат қалинлигини аниқлаш ва минерал ўғитлар билан озиқлантириш муддатлари ҳамда меъёрларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Республикамизда кейинги йилларда соя экинига Ҳукуматимиз томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Аҳолини оқсилга бой озиқ-овқат маҳсулотига ҳамда қайта ишлаш саноатини ҳом-ашёга бўлган эҳтиёжини тўлақонли қондириш мақсадида 146,5 минг гектар суғориладиган майдонда соя парвариш қилинмоқда. Бу ўз навбатида 2018 йилга нисбатан соя майдони 128,0 минг гектарга кенгайтирилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.10.2019 йилдаги ПФ-5853-сонли “Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида “аҳолини озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш” устувор вазифа этиб белгиланган бўлиб, бу борада илмий-тадқиқот ишлари кўламини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 1 апрелдаги ПФ-6198-сонли “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 24 июлдаги ПҚ-3144-сонли “Ўзбекистон республикаси президентининг 2017 йил 14 мартдаги «2017 — 2021 йилларда республикада соя экишни ташкил этиш ва

<sup>1</sup> <https://www.atlasbig.com/ru/strany-po-proizvodstvu-soi>

<sup>2</sup> <https://www.statista.com/statistics/263926/soybean-production-in-selected-countries-since-1980/>

сояли дуккакли экинлар етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги пқ-2832-сон қарорига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 февралдаги 105-сонли “Республикада соя етиштириш ҳажмларини янада кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммони ўрганилганлик даражаси.** Соя экинидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда мақбул экиш муддатлари, уруғ экиш меъёрлари ва кўчат қалинлиги, ўсув даврида минерал ўғитлар билан озиклантириш меъёрларига ҳамда суғоришга бўлган талабини ўрганиш бўйича республикамиз олимларидан Р.И.Сиддиқов, Е.Горелов, Д.Ёрматова, Х.Атабаева, М.Маннопова, К.Сафаров, М.Саттаров, Г.Тангилова, З.Исламова, А.Иминов, А.Мўминов, хориж олимларидан Г.Пасипанов, В.Баранов, Н.Городнева, У.Делаев, Е.Тошкина, S.Lamprey, M.Mburu, M.Ntambo, E.Taito, M.Zetra ва бошқалар томонидан кўплаб илмий изланишлар олиб борилган ва тавсиялар берилган.

Бироқ, Самарқанд вилоятининг қадимдан суғориладиган ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида соянинг ўртапишар “Олтинтож” ва “Сочилмас” навларини асосий экин сифатида турли кўчат қалинликларида етиштиришда минерал ўғитлар меъёрларига бўлган талабини аниқлаш бўйича илмий-тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети, Агробиотехнологиялар ва озик-овқат хавфсизлиги институти илмий-тадқиқот режасининг 2021 йил 05-январдаги №SАgro-03-сонли йиғилиш баённомаси билан тасдиқланган “Тупроқ хоссалари ва унумдорлигини яхшилаш ҳамда экинлар ҳосилдорлигини оширишнинг инновацион технологияларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган (2021-2023 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади.** Самарқанд вилоятининг қадимдан суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида соянинг ўртапишар “Олтинтож” ва “Сочилмас” навларини асосий экин сифатида экиб, юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда, мақбул кўчат қалинлиги ҳамда минерал ўғитлар билан озиклантириш меъёрларига талабини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

соя навларининг кўчат қалинлигига ҳамда ўсув даврининг давомийлигига минерал ўғитлар билан озиклантириш меъёрларининг таъсирини аниқлаш;

соя навларининг илдиз тизимида туганаклар шаклланишига кўчат

қалинлиги ва минерал ўғитлар билан озиклантириш меъёрларининг таъсирини аниқлаш;

соя навларининг ўсиши ва ривожланишига кўчат қалинлиги ҳамда минерал ўғитлар билан озиклантириш меъёрларининг таъсирини аниқлаш;

соя навларида барг сатҳининг шаклланишига кўчат қалинлиги ҳамда минерал ўғитлар билан озиклантириш меъёрларининг таъсирини аниқлаш;

соя навларининг биологик қуруқ масса тўплаш жадаллигига кўчат қалинлиги ҳамда минерал ўғитлар билан озиклантириш меъёрларининг таъсирини аниқлаш;

соя навларининг фотосинтез соф маҳсулдорлик кўрсаткичларига кўчат қалинлиги ҳамда минерал ўғитлар билан озиклантириш меъёрларининг таъсирини аниқлаш;

соя навларида ҳосил элементларининг шаклланиши ва дон ҳосилдорлигига кўчат қалинлиги ҳамда минерал ўғитлар билан озиклантириш меъёрларининг таъсирини аниқлаш;

донларнинг технологик сифат кўрсаткичларига кўчат қалинлиги ҳамда минерал ўғитлар билан озиклантириш меъёрларининг таъсирини аниқлаш;

соя навлари турли кўчат қалинликларида экилиб, ўсув даврида минерал ўғитларнинг турли меъёрлари билан озиклантиришнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Самарқанд вилоятининг қадимдан суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқлари, соянинг “Олтинтож” ва “Сочилмас” навлари, турли кўчат қалинликлари ҳамда минерал ўғитларнинг турли меъёрлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб, Самарқанд вилоятининг суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида соя навларини турли экиш меъёрлари ва минерал ўғитлар билан озиклантириш миқдорларини амал даври боши ва охирида кўчат қалинлигига, илдиз тизимини ривожланиши ва туганак бактерияларнинг шаклланишига, ўсиши ва ривожланишига, барг сатҳининг шаклланиши ва биологик қуруқ масса тўплашига, фотосинтез соф маҳсулдорлик кўрсаткичларига, ҳосил структурасининг шаклланиши ва дон ҳосилдорлигига, доннинг технологик сифат кўрсаткичларига, қўлланилган агротехник тадбирларни иқтисодий самарадорлигига бўлган таъсирини ўз ичига олади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Илмий тадқиқот ишларини ўтказишда дала ва лаборатория тажрибалари «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (ЎзПИТИ 2007), «Методый агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых раёнах» (СоюзНИХИ, 1977), «Методика исследований с зернобобовыми культурами» (1971), олинган маълумотларнинг математик-статистик таҳлили эса Б.А.Доспехов «Методика полевого опыта» (М. 1985) услубий қўлланмалари бўйича амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Илк бор Самарқанд вилоятининг қадимдан суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида асосий экин сифатида соянинг “Олтинтож” ва “Сочилмас” навларидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштириш

агротехнологияси такомиллаштирилган;

Соянинг “Олтинтож” ва “Сочилмас” навларидан юқори ва сифатли дон ҳосилдорлигига эришишда кўчат қалинлигини гектарига 500 минг туп этиб белгилаб, ўсув даврида минерал ўғитларнинг  $N_{60}P_{90}K_{60}$  кг/га меъёрлари билан озиклантириш юқори самара бериши исботланган;

соя навларини ўсув даврида минерал ўғитларнинг  $N_{60}P_{90}K_{60}$  кг/га меъёрлари билан озиклантириш, минерал ўғитларнинг  $N_{30}P_{60}K_{40}$  ва  $N_{90}P_{120}K_{80}$  меъёрлари билан озиклантиришга нисбатан илдиз тизимида туганак бактериялар сони дуккаклаш-дон тўлишиш даврида 1,6 дона/туп дан 8,0 дона/туп гача юқори бўлиши асосланган;

соя навларини гектарига 500 минг туп кўчат қалинлигида қолдирилиб, ўсув даврида минерал ўғитларнинг  $N_{60}P_{90}K_{60}$  кг/га меъёрлари билан озиклантириш ўсимликларда барг сатҳининг шаклланиши, биологик қуруқ масса тўплаши ҳамда фотосинтез соф маҳсулдорлик кўрсаткичларига ижобий таъсир этиши аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** Самарқанд вилоятининг суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида соя навларини апрел ойининг иккинчи ўн кунлигида экиб, гектаридан 33-37 центнер дон ҳосили олишни таъминлаган;

соя навлари уруғларини қулай меъёрларда (500 минг дона/га) экиш орқали гектаридан 700-800 кг соя мойи, 1380-1550 кг ўсимлик оқсили ва 730-870 кг углевод олишга эришилган;

соя уруғларини қулай меъёрларда экиш ва минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш орқали фотосинтетик актив радиациядан самарали фойдаланиш (2,08-2,31 фоиз) таъминланган;

соя навлари уруғларини бактериал ўғит (Нитрагин) билан ишлаб, қулай меъёрларда (500 минг дона/га) экиш ва минерал ўғитларни  $N_{60}P_{90}K_{60}$  кг/га меъёрда қўллаш энергиятежамкор (биоэнергетик коэффициент 9,0-10,4) технологиялиги аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Олиб борилган кўп йиллик дала ва ишлаб чиқариш тажрибаларининг услубий жиҳатдан тўғрилиги, апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланганлиги, тадқиқот натижаларининг аниқлик доираси, уларни математик-статистик ишловдан ўтказилганлиги, диссертация ишида қўлланилган услублар тадқиқотларнинг бажарилишга мос келиши, уларни ўзаро бир-бирини тўлдирувчанлигидан фойдаланилганлиги, ваколатли муассасалар мутахассислари томонидан тадқиқот натижаларининг самарали эканлиги ва амалиётга жорий этилганлигининг тасдиқланганлиги, адабиётлар таҳлилида келтирилган маълумотлар ва иқтибосларнинг ҳаққонийлиги ҳамда Республика ва Халқаро илмий конференцияларда маърузалар қилинганлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги натижаларнинг ишончлилигини кўрсатади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти, соянинг “Олтин тож”, “Сочилмас” навлари уруғлари асосий

экин сифатида, турли меъёрларда экиш ҳамда минерал ўғитларни турли меъёрларда қўллаш асосида ўсимликларни ўсиши ва ривожланиши, экинзорнинг фотосинтетик фаолияти (кулай ўлчамларда барг юзасининг шаклланиши, фотосинтетик потенциал, куруқ модда, фотосинтез соф маҳсулдорлик), илдиз тизимининг шаклланиши, ҳосилдорлик ва ҳосил сифати, биоэнергетик самарадорлик тўғрисида янги маълумотлар олинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти, соянинг “Олтин тож” ва “Сочилмас” навлари учун энг мақбул экиш меъёри (500 минг дона/га) аниқланган, Минерал ўғитлар  $N_{60}P_{90}K_{60}$  кг/га меъёрда қўлланиши натижасида соя навларини дон ҳосили ва сифати ошиб, гектаридан 5,9-6,0 млн сўм соф фойда олиниб, рентабеллик даражаси 57-59 фоизни ташкил қилганлиги, энергияни тежашга эришилганлиги ҳамда ишлаб чиқаришга тавсиялар берилганлиги билан ифодаланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Самарқанд вилояти шароитида соя навларидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда минерал ўғитлар билан озиқлантиришнинг мақбул меъёрлари ва кўчат қалинликларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқот илмий натижалари асосида:

Кластер ва фермер хўжаликлари учун “Соя етиштиришда экиш ва минерал ўғитлар меъёрларини мақбуллаштириш” номли тавсиянома ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 15.02.2024 йилдаги №06/22-05/933-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиянома бугунги кунда кластерлар ва фермер хўжаликларида соя навларидан юқори дон ҳосили етиштиришда муҳим кўрсатма сифатида хизмат қилмоқда;

Соянинг навларидан юқори дон ҳосили етиштириш технологияси Жомбой тумани “Буюк келажак” МЧЖ агрокластерида 5,0 гектар, “Найман ерлари” фермер хўжалигида 2,0 гектар, “Бекназаров Жамол нурли замини” фермер хўжалигида 3,0 гектар, “Мамуржон Шарипович” фермер хўжалигида 2,0 гектар, “Қуёшли замин-2020” фермер хўжалигида 3,0 гектар, Оқдарё тумани “Махсум боғлари” фермер хўжалигида 5,0 гектар, “Мусурмонов Абдуғани боғлари” фермер хўжалигида 3,0 гектар, Тойлоқ тумани “Илғор агротехнологиялари” фермер хўжалигида 4,0 гектар, “Рахмон Рахмат Меҳнат Роҳат” фермер хўжалигида 5,0 гектар, “Қосим ота” фермер хўжалигида 1,0 гектар, “Рамзиддин Амина Зухриддин” фермер хўжалигида 5,0 гектар жами 38,0 гектар майдонга жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 15.02.2024 йилдаги №06/22-05/933-сон маълумотномаси). Натижада соянинг “Сочилмас” ҳамда “Олтинтож” навларини гектарига 500 минг туп кўчат қалинликларида экилиб, ўсув даврида минерал ўғитларнинг  $N_{60}P_{90}K_{60}$  кг/га меъёрлари билан озиқлантирилганида юқори самарадорликка эришилган;

Соянинг “Сочилмас” ҳамда “Олтинтож” навларини гектарига 500 минг туп кўчат қалинликларида экилиб, ўсув даврида минерал ўғитларнинг  $N_{60}P_{90}K_{60}$  кг/га меъёрлари билан озиқлантириш технологияси Жомбой, Оқдарё, Тойлоқ туманларида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 15.02.2024 йилдаги №06/22-05/933-сон маълумотномаси). Натижада ушбу технологияни

қўллаш орқали “Сочилмас” навидан 35,7 ц/га, “Олтинтож” навидан 36,4 ц/га дон ҳосили етиштирилганлиги аниқланиб, рентабеллик даражаси “Сочилмас” навида 69,0 фоизга, “Олтинтож” навида 72,5 фоизга ортишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Дала тажрибалари ҳар йили Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети Агробиотехнологиялар ва озиқ-овқат хавфсизлиги институти томонидан тузилган махсус апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланган. Мазкур тадқиқот натижалари асосида 4 та (2 та маҳаллий, 2 та халқаро) илмий-амалий конференцияларида маърузалар қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий мақолалар ва 1 та тавсиянома чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа докторлари учун чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та жумладан, маҳаллий нашрларда 2 та, хорижий нашрларда 1 та илмий мақола ва 1 та тавсиянома чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертациянинг таркиби кириш, 5 та боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ва предмети тавсифланган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Соя навларидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда кўчат қалинликлари ҳамда минерал ўғитлар билан озиқлантириш меъёрларининг аҳамиятини ўрганиш бўйича олиб борилган маҳаллий ҳамда хорижий тадқиқотлар шарҳи» деб номланган биринчи бобида, соянинг ўсиши, ривожланиши ва дон ҳосилдорлигига минерал ўғитлар билан озиқлантириш муддатлари ҳамда меъёрларининг ва турли кўчат қалинликларида етиштиришнинг таъсирини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари чоп этилган хорижий ва маҳаллий илмий манбалар, интернет маълумотларидан ҳаволалар келтириб ўтилган. Олинган маълумотларнинг назарий ва амалий натижалари таҳлил қилиниб, диссертация ишининг илмий мақсади ва вазифалари белгилаб олинган.

Диссертациянинг «Тадқиқот олиб борилган жойнинг географик жойлашув ўрни, тупроқ ва иқлим шароити, тажриба ўтказиш усули ва услублари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган минтақанинг

географик жойлашув ўрни ва тупроқ хусусиятлари, ҳудуднинг иқлим шароитлари, тажриба ўтказиш усули ва услублари, тажриба олиб борилган майдонда қўлланилган агротехник тадбирлар ва тажрибада ўрганилган навлар таснифи тўғрисида батафсил маълумотлар келтирилган.

Дала тажрибаларини бошлашдан олдин ҳар йили танлаб олинган даланинг шудгор ва шудгор ости қатламларидан тупроқ намуналари олиниб, дастлабки агрохимёвий хусусиятлари аниқлаб борилди.

Олинган маълумотларнинг кўрсатишича, (2021-2022-2023 йй.) амал даври бошида йиллар бўйича тупроқнинг 0-30 см қатламида гумус миқдори 1,14-1,16-1,18 фоизни, умумий шаклдаги азот 0,095-0,099-0,101 фоизни, фосфор 0,166-0,168-0,170 фоизни, калий 2,38-2,40-2,46 фоизни, 30-50 см қатламида эса гумус миқдори 0,80-0,82-0,85 фоизни, умумий шаклдаги азот 0,047-0,049-0,054 фоизни, фосфор 0,097-0,099-0,100 фоизни, калий 1,82-1,85-1,90 фоизни ташкил этганлиги аниқланган бўлса, ҳаракатчан шакллари аниқланганида, тупроқнинг 0-30 см қатламида нитрат билан 6,4-6,9-7,2 кг/мг, аммиак билан 7,1-7,3-7,8 кг/мг, ҳаракатчан фосфор билан 21,5-21,8-22,3 кг/мг, алмашинувчи калий билан 232-236-240 кг/мг миқдорида, тупроқнинг 30-50 см қатламида нитрат билан 5,6-5,9-6,1 кг/мг, аммиак билан 6,0-6,2-6,4 кг/мг, ҳаракатчан фосфор билан 12,6-12,9-13,4 кг/мг, алмашинувчи калий билан 215-218-221 кг/мг миқдорида таъминланганлиги аниқланган.

1-жадвал

### Тажриба майдонининг дастлабки агрохимёвий хусусиятлари

Йиллар	Тупроқ қатламлари, см	Гумус миқдори, %	Умумий шакллари, %			Ҳаракатчан шакллари миқдори, мг/кг.			
			N	P	K	N-N O <sub>3</sub>	N- NH <sub>4</sub>	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O
2021	0-30	1,14	0,095	0,166	2,38	6,4	7,1	21,5	232
	30-50	0,80	0,047	0,097	1,82	5,6	6,0	12,6	215
2022	0-30	1,16	0,099	0,168	2,40	6,9	7,3	21,8	236
	30-50	0,82	0,049	0,099	1,85	5,9	6,2	12,9	218
2023	0-30	1,18	0,101	0,170	2,46	7,2	7,8	22,3	240
	30-50	0,85	0,054	0,100	1,90	6,1	6,4	13,4	221

Тажриба жойлаштирилиб, тадқиқотлар ўтказилган далалар тупроқларининг дастлабки агрохимёвий таҳлилларига асосланиб хулоса қиладиган бўлсак, ушбу далалар тупроқлари озика элементлари билан кам даражада таъминланган дейиш мумкин.

Илмий-тадқиқот ишлари 2021–2023 йилларда Самарқанд вилояти Оқдарё туманининг ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида олиб борилиб, бунда соянинг “Сочилмас” ва “Олтин тож” навларини ўсиши, ривожланиши ва дон ҳосилдорлигига кўчат қалинликлари ҳамда минерал ўғитлар билан озиклантириш меъёрларининг таъсири уч йил давомида ўрганилди.

Тажриба 18 та вариантдан иборат бўлиб, 3 такрорланишда бир ярусда жойлаштирилди. Тажриба даласида эгат кенглиги 70 см, узунлиги 50 м. Ҳар бир булакчалар майдони 280 м<sup>2</sup>, ҳисобга олинандиган майдон 140 м<sup>2</sup>.

Тажрибаларнинг умумий майдони 1,6 га. Тажиба 3 йил давомида 1:1 (ғўза:донли экин) қисқа ротацияли алмашлаб экиш тизимида олиб борилди. Тажибада соянинг Давлат ресстрига киритилган “Сочилмас” ва “Олтин тож” навлари экилди.

Тажрибада соянинг “Сочилмас” ва “олтин тож” навлари уруғларини уч хил (400-500-600 минг туп/га) кўчат қалинлигида экилиб, минерал ўғитларнинг уч хил ( $N_{30}P_{60}K_{40}$  кг/га,  $N_{60}P_{90}K_{60}$  кг/га,  $N_{90}P_{120}K_{80}$  кг/га) меъёрлари билан озиклантирилиб ўрганилди.


Илмий тадқиқот ишларини ўтказишда дала ва лаборатория тажибалари «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в полевых хлопковых районах» (1989 й), «Дала тажибаларини ўтказиш услублари» (2007 й) қўлланмалари асосида, олинган маълумотларнинг математик-статистик таҳлили эса Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» услубиёти бўйича амалга оширилган.

Диссертациянинг **“Соя навларининг ўсиши, ривожланиши ҳамда дон ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичларига минерал ўғитлар билан озиклантириш меъёрлари ва кўчат қалинликларининг таъсири”** деб номланган учинчи бобида соя навларининг кўчат қалинликлари ва минерал ўғитлар билан озиклантириш меъёрларини униб чиққан кўчатларнинг сақланувчанлиги ва кўчат қалинлигига, ривожланиш даврларининг давомийлигига, илдиз тизимида туганакларнинг шаклланишига, ўсиб ривожланишига, барг сатҳининг шаклланишига, биологик қуруқ масса тўплашига, фотосинтез соф маҳсулдорлигига, ҳосил структурасининг шаклланишига, дон ҳосилдорлигига ва доннинг сифат кўрсаткичларига таъсири таҳлил қилинган.

Ўсимликлар туп қалинлиги (майсалар сони) униб чиқишда ва ҳосилни йиғиштириш олдида таҳлил этилди. Униб чиқишда ўтказилган таҳлил натижаларига кўра, “Олтин тож” навида туп сони минерал ўғит ва экиш меъёрларига тегишлича 342,9-523,0 дона/м<sup>2</sup>, 338,9-524,2 ва 343,6-529,4 дона/м<sup>2</sup> ни ташкил этган бўлса, “Сочилмас” навида мос равишда 339,6-521,6 дона/м<sup>2</sup>; 339,7-525,8 ва 342,1-527,6 дона/м<sup>2</sup> бўлганлиги аниқланди.

Ўтказилган тажибада ҳашаротлар, қатор ораларига ишлов беришлар, ўсимликларнинг ўзаро рақобати таъсирида маълум даражада ўсимлик туп сони камайди. Тажибада ўртача ҳисобда 13,0-15,6 фоиз гача нобуд бўлиш даражаси қайд этилди. Таъкидлаш керакки, ҳар иккала навда ҳам туп сон қалинлиги юқори бўлган вариантларда нобуд бўлган ўсимликлар салмоғи кўплиги ҳисобга олинди. Масалан “Олтин тож” нави уруғлари 400 минг (назорат) дона/га экилган ва минерал ўғитлар  $N_{30}P_{60}K_{40}$  кг/га (назорат) меъёрда қўлланилган вариантда 13,0 фоиз ўсимликлар нобуд бўлган бўлса, 500 минг дона/га вариантда 13,7 фоиз, 600 минг дона/га вариантда эса 14,3 фоиз ўсимликлар турли сабабаларга кўра нобуд бўлганлиги аниқланди.

Минерал ўғитлар меъёрлари бироз оширилган ( $N_{60}P_{90}K_{60}$  кг/га) вариантда юқоридагига қараганда тегишлича нобуд бўлиш даражаси 0,1; 0,5; 0,5 фоиз, минерал ўғитлар  $N_{90}P_{120}K_{80}$  кг/га меъёрда қўлланилган вариантда эса 0,7; 0,7; 0,8 фоиз кўп бўлганлиги аниқланди.



**1-расм. Соя навлари ўсимликларнинг ҳосилни йиғиштиришгача нобуд бўлиш салмоғи, фоиз (2021-2023 йй.)**

Худди шундай тенденция “Сочилмас” навида ҳам қайд этилди. Бу ҳолат ҳосилни йиғиштиришгача сақланган ўсимликлар сонига ўз аксини топди.

Ҳосилни йиғиштиришгача сақланган ўсимликлар сони “Олтин тож” навида экиш меъёри 400 минг (назорат) дона/га вариантда ўғит меъёрларига боғлиқ бўлмаган тарзда 294,5-298,2 дона/м<sup>2</sup>, 500 минг дона/га вариантда 369,2-373,5 дона/м<sup>2</sup> ва 600 минг дона/га вариантда 446,8-449,6 дона/м<sup>2</sup> ни ташкил этганлиги аниқланди. “Сочилмас” навида ҳам аналогик ҳолат кузатилиб, кўрсаткичлар юқоридагига мос равишда 292,4-295,4; 364,8-371,5 ва 440,4-446,7 дона/м<sup>2</sup> бўлганлиги қайд этилди.

Самарқанд вилоятининг суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида “Олтин тож” ва “Сочилмас” навлари уруғларининг дала урувчанлиги 84,7-88,2 ва 84,9-87,9 фоиз ни ташкил этиб, экиш меъёрларининг ортиб боришида дала унвчанликнинг юқори бўлиши таъминланди. Ўсимликларнинг озик моддалар, намлик, ёруғлик ва бошқа омилларга бўлган ўзаро рақобати таъсири натижасида ҳосилни йиғиштиришгача сақланган ўсимликлар салмоғи ўртача 13,0-15,6 фоиз камайиб, туп сон қалинлиги ортиб боришида эса 0,5-0,7 фоизгача кўпроқ нобуд бўлганлиги ҳамда экиш меъёрларига боғлиқ тарзда туп сон қалинлиги 292,4-298,2; 364,8-373,5 ва 440,4-449,6 дона/м<sup>2</sup> ни ташкил этиши аниқланди.

Фенологик кузатувлар 2022 ва 2023 йилларда ўтказилган дала тажрибаларида ҳам ҳисобга олинди. Соя навлари ривожланиш фазалари таҳлили шуни кўрсатадики, уруғларни экиш меъёри ошиб борган сари ривожланиш фазалари давомийлиги қисқариб борса, минерал ўғитлар меъёрлари оширилган сари сезиларсиз узайганлиги аниқланди.

Ўрганилган соя навларида донларнинг пишиши гуллашдан кейинги 50-62 кунларга тўғри келиб, “Олтин тож” навида энг қисқа давр гектарига 600 минг дона уруғ экилган, минерал ўғитлар N<sub>30</sub>P<sub>60</sub>K<sub>40</sub> кг/га (назорат) меъёрда қўлланилган вариантда (50 кун), энг узун давр гектарига 400 минг дона (назорат) уруғ экилган, минерал ўғитлар N<sub>90</sub>P<sub>120</sub>K<sub>80</sub> кг/га меъёрда қўлланилган вариантда қайд этилди. “Сочилмас” навида бу кўрсаткич худди шу вариантларда кузатилиб, мос равишда 50 ва 60 кунни ташкил этганлиги ҳисобга олинди.

Бутун амал даври “Сочилмас” навида минерал ўғитлар  $N_{30}P_{60}K_{40}$  кг/га (назорат) меъёрда қўлланилган вариантда экиш меъёрларига тегишлича 91, 87, 85 кунни ташкил этган бўлса, минерал ўғитлар  $N_{60}P_{90}K_{60}$  кг/га меъёрда қўлланилган вариантда назорат вариантдагига мувофиқ равишда 5, 3, 8 кун, минерал ўғитлар  $N_{90}P_{120}K_{80}$  кг/га меъёрда қўлланилган вариантда эса 13,11, 9 кунга давомлироқ бўлганлиги аниқланди.

Самарқанд вилоятининг суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида ўтказилган дала тажрибаларидан олинган натижалар асосида хулоса қилиш мумкинки, соя навларининг амал даври давомийлиги нав хусусиятига, қўлланилган минерал ўғитлар ва экиш меъёрларига боғлиқ ҳолда ўзгаради. “Олтин тож” навига қараганда “Сочилмас” нави 5-7 олдин етилади, ўз навбатида минерал ўғитлар меъёрларига таъсирчан, минерал ўғитлар меъёри оширилиши билан амал даври 4-5 кундан 10-14 кунгагача узаяди. Экиш меъёрининг 400 минг дона/га дан 600 минг дона/га гача оширилишида ёруғлик, намлик ва озика моддаларга бўлган ўзаро рақобат туфайли амал даври “Олтин тож” навида 8-9 кунга, “Сочилмас” навида 6-8 кунга қисқаради.

Самарқанд вилоятининг суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида соянинг “Олтин тож” ва “Сочилмас” навларининг ўсиш суръати, бўйининг баландлиги ва ўртача суткалик ўсишига минерал ўғит ва экиш меъёрларининг таъсирини аниқлаш юзасидан ўтказилган дала тажрибаларда, ўсимлик бўйининг баландлиги ғунчалашда 22,5-26,7 см, гуллашда 55,6-71,7 см ва пишиш фазасида ўтказилган биометрик ўлчашларда 62,6-82,5 см ни ташкил этганлиги аниқланди.

Ўрганилган навлар бўйича олинган маълумотлар таҳлилига тўхталадиган бўлсак, ғунчалашгача бўлган даврда навлар ва экиш меъёрлари бўйича ўсимлик бўйида кескин фарқлар кузатилмасда, бироқ, “Олтин тож” навига қараганда “Сочилмас” нави минерал ўғитлар меъёри оширилган фонда сезиларсиз даражада баланд бўйли бўлганлиги қайд этилди.

“Олтин тож” нави ўсимликлари бўйининг баландлиги ғунчалаш даврида, минерал ўғитлар меъёри  $N_{30}P_{60}K_{40}$  кг/га (назорат), экиш меъёри 400 минг дона/га вариантда 22,6 см, 500 минг дона/га вариантда 23,7 ва 600 минг дона/га вариантда 23,9 см ни ташкил этганлиги аниқланди. Минерал ўғитлар меъёри бироз оширилган  $N_{60}P_{90}K_{60}$  кг/га вариантда юқоридагига мос равишда 22,9, 24,1 ва 24,5 см, минерал ўғитлар юқори меъёрда  $N_{90}P_{120}K_{80}$  кг/га қўлланилган вариантда эса 24,0, 24,6 ва 25,1 см бўлганлиги аниқланди. “Сочилмас” навида бу кўрсаткичлар тегишли равишда 22,5, 23,8, 24,1 см; 23,2, 24,3, 25,0 ҳамда 25,4, 26,1, 26,7 см бўлиб, ўсимлик бўйининг ўсиш суръати ушбу даврда жамига нисбатан 30,2-37,1 фоизни ташкил этганлиги қайд этилди. Шу ўринда таъкидлаш зарурки, ўсимлик бўйининг ўсиш суръати ғунчалашгача бўлган даврда “Сочилмас” навига (30,2-33,3 фоиз) қараганда “Олтин тож” навида (35,6-37,1 фоиз) юқорилиги аниқланди.

Ўсимликлар бўйининг баландлигидаги фарқлар гуллаш фазасига келиб, навлар бўйича ҳам, минерал ўғит ва экиш меъёрлари бўйича яққол сезила бошлади. “Олтин тож” навида минерал ўғит меъёри  $N_{30}P_{60}K_{40}$  кг/га (назорат), экиш меъёри 400 минг дона/га вариантда ўсимлик бўйи 55,6 см, 500 минг дона/га вариантда 59,5 ва 600 минг дона/га вариантда 60,2 см ни ташкил этганлиги аниқланди. Минерал ўғитлар меъёри бироз ошириб  $N_{60}P_{90}K_{60}$  кг/га қўлланилган

вариантда ўсимлик бўйи  $N_{30}P_{60}K_{40}$  кг/га (назорат) вариантдагидан экиш меъёрларига мос равишда 2,4, 0,6 ва 1,0 см баланд бўлган бўлса, минерал ўғитлар юқори меъёрда  $N_{90}P_{120}K_{80}$  кг/га қўлланилган вариантда эса тегишлича 3,9, 4,1 ва 4,0 см баланд бўлганлиги ҳамда ушбу даврда жамига нисбатан 52,6-55,1 фоиз ўсганлиги қайд этилди.

“Сочилмас” навида ушбу даврда ўсимлик бўйи ўртача ҳисобда 56,3-71,7 см ни ташкил этиб, кўрсаткичлар “Олтин тож” навида минерал ўғитлар  $N_{30}P_{60}K_{40}$  кг/га (назорат) меъёрда қўлланилган вариантдагига қараганда мос равишда 0,7, 0,7 ва 1,3 см, минерал ўғитлар  $N_{60}P_{90}K_{60}$  кг/га меъёрда қўлланилган вариантдагига қараганда 6,2, 7,7 ва 8,4 см, минерал ўғитлар  $N_{90}P_{120}K_{80}$  кг/га меъёрда қўлланилган вариантдагига қараганда эса 6,2, 7,6 ва 7,5 см баланд бўлганлиги ҳамда ушбу даврда жамига нисбатан 49,1-56,2 фоиз ўсганлиги аниқланди.

Дала тажрибалари ўтказилган йилларда, айниқса вегетация даврида ҳаво ҳарорати кўп йиллик кўрсаткичлар даражасида бўлганлиги, йил давомида эса 2021 ва 2023 йилларда кўп йиллик кўрсаткичдан мос равишда 1,5 ва 1,3 °C юқорилиги аниқланди. 2022 йил ҳаво ҳарорати кўп йиллик кўрсаткич даражасида бўлиб, ўртача ҳисобда 13,9 °C бўлганлиги қайд этилди. Худди шундай ёғингарчилик миқдори 2022 йилда кўп йиллик кўрсаткич даражасида бўлиб, 2021 ва 2023 йилда мос равишда 93,2 ва 142,2 мм кам бўлганлиги аниқланди. Бу ҳолатларнинг барчаси соя навлари ҳосилдорлигида ўз аксини топди. Масалан, “Олтин тож” нави уруғлари гектарига 400 минг дона (назорат) экилган, минерал ўғитлар  $N_{30}P_{60}K_{40}$  кг/га (назорат) меъёрда қўлланилган вариантда ҳосилдорлик тажриба йилларига мос равишда 30,1 ц/га (2021 й.), 31,3 ц/га (2022 й.) ва 30,5 ц/га (2023 й.)ни ташкил этган бўлса, “Сочилмас” навида тегишлича 30,2; 31,7 ва 30,9 ц/га ни ташкил этиб, 2022 йилда бошқа йиллардагига қараганда 1,2-1,5 ц/га кўпроқ ҳосил тўпланганлиги қайд этилди. Худди шундай тенденция бошқа вариантларда ҳам аниқланди.

“Сочилмас” навининг илдиз массаси камлиги, ҳосил структураси элементларининг паст кўрсаткичларда бўлиши кабилар мазкур нав ҳосилдорлиги “Олтин тож” нави ҳосилдорлигидан кам бўлишига сабаб бўлди. Олинган қўшимча ҳосилни минерал ўғитлар меъёрлари бўйича таҳлил қилишдан маълум бўлишича, “Олтин тож” навида минерал ўғитлар  $N_{30}P_{60}K_{40}$  кг/га (назорат) меъёрда қўлланилган вариантларда ўртача аҳосилдорлик экиш меъёрларига мос равишда 30,6 ц/га (400 минг дона/га), 35,7 ц/га (500 минг дона/га), 33,2 ц/га (600 минг дона/га)ни ташкил этган бўлса, минерал ўғитлар  $N_{60}P_{90}K_{60}$  кг/га меъёрда қўлланилган вариантларда қўшимча ҳосил юқоригадига тегишлича 2,5; 1,0; 2,6 ц/га бўлганлиги аниқланди. Минерал ўғитлар  $N_{90}P_{120}K_{80}$  кг/га меъёрда қўлланилган вариантларда эса қўшимча ҳосил тегишлича 3,4; 0,5; 1,3 ц/га ни ташкил этди. Минерал ўғит меъёрлари ҳисобига олинган қўшимча ҳосил “Сочилмас” навида “Олтин тож” навидагига қараганда бироз камлиги, яъни юқоригага мос равишда 0,9; 0,5; 0,5 ц/га ва 2,4; 0,6; 0,4 ц/га ни ташкил этганлиги аниқланди.

Экиш меъёрлари ҳисобига олинган қўшимча ҳосил таҳлил қилинганда янада эътиборга молик натижалар қайд этилди. Жумладан, ҳар иккала навда ҳам уруғлар гектарига 400 минг дона (назорат) экилган вариантга қараганда 500 ва 600

минг дона/га экилган вариантларда қўшимча ҳосил олиш таъминланди. Ўрганилган ҳар иккала навда ҳам гектарига 500 минг дона уруғ экилган вариантларда қўшимча ҳосил юқори бўлиши таъминланди, шу билан биргаликда минерал ўғитлар меъёрининг ортиб бориши қўшимча ҳосилни ишонарли даражада ортишига олиб келмади. Экиш меъёрлари бўйича олинган энг юқори ҳосилдорлик “Олтин тож” навида гектарига 500 минг дона уруғ экилган вариантда қайд этилиб, 5,1 ц/га ни ташкил этган бўлса, “Сочилмас” навиджа ҳам худди шу вариантда олинди, 4,0 ц/га ни, яъни “Олтин тож” (назорат) навидагидан 0,9 ц/га камлиги ҳисобга олинди.

Самарқанд вилоятининг суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида соя парваришда “Олтин тож” навидан фойдаланиш, шу билан биргаликда минерал ўғитларни  $N_{30}P_{60}K_{40}$  кг/га меъёрда қўллаш фониди гектарига 500 минг дона уруғ экилганда 35,7 ц/га, “Сочилмас” навидан эса худди шу вариантда 34,9 ц/га ҳосил олиш таъминланиб, бошқа вариантларга қараганда мос равишда 5,1 ва 4,0 ц/га юқори ҳосил олишга имкон яратилади.

“Олтин тож” нави ўсимликларида ўртача ҳисобда 90,2-96,5 дона дуккак шаклланган бўлса, уни таҳлил қилишдан маълум бўлишича, минерал ўғит меъёрлари ортиб бориши билан бироз кўпайиши ва экиш меъёрлари ортиб бориши билан бир туп ўсимликдаги дуккаклар сони кам бўлиши қайд қилинди. Масалан, минерал ўғитлар  $N_{30}P_{60}K_{40}$  кг/га (назорат) меъёрда қўлланилган, гектарига 400 минг дона (назорат) уруғ экилган вариантда 95,0 дона дуккак шаклланган бўлса, гектарига 500 минг дона уруғ экилган вариантда 92,3 дона ёки 2,7 дона кам, гектарига 600 минг дона уруғ экилган вариантда эса 90,2 дона ёки 4,8 дона кам бўлганлиги қайд этилди. Худди шундай ҳолат минерал ўғитлар оширилган меъёрларда қўлланилган вариантларда ҳам аниқланди. Бир туп ўсимликдаги дуккаклар сони “Сочилмас” навида “Олтин тож” навидагидан бироз кам бўлди. Ўтказилган тажрибада эса битта дуккакдаги донлар сони 2,3-3,6 дона бўлганлиги аниқланди. “Олтин тож” навида минерал ўғитлар  $N_{30}P_{60}K_{40}$  кг/га (назорат) меъёрда қўлланилган, гектарига 400 минг дона (назорат) уруғ экилган вариантда битта дуккакдаги донлар сони 2,7 дона, гектарига 500 минг дона уруғ экилган вариантда 2,5 дона ва гектарига 600 минг дона уруғ экилган вариантда 2,3 донани ташкил этган бўлса, “Сочилмас” навида тегишлича 3,3; 2,8 ва 2,6 дона бўлиб, ҳар иккала навда ҳам экиш меъёрининг ортиб бориши билан дуккакдаги донлар сонининг камайиши аниқланди.

Самарқанд вилоятининг суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида соя илдизларида туганаклар сони динамик тарзда ортиб боради, бунда “Олтин тож” навида қараганда “Сочилмас” навида туганаклар кўпроқ ҳосил бўлади. Минерал ўғитлар  $N_{60}P_{90}K_{60}$  кг/га меъёрда қўлланилганда бошқа меъёрлар қўлланилгандагига нисбатан ривожланиш фазаларидан қатъий назар туганаклар кўп шаклланади. Экиш меъёрининг гектарига 400 минг дона (назорат)дан 600 минг донагача ортиб боришида туганаклар сони камайиб боради. Шунингдек, туганак массаси ҳам ривожланиш фазаларига қараб динамик тарзда ортиб боради. Минерал ўғитлар  $N_{60}P_{90}K_{60}$  кг/га меъёрда қўлланилганда туганаклар массаси энг юқори кўрсаткичда бўлиб, экиш меъёрининг ортиб бориши билан камаяди. Туганаклар массасининг майдон бирлигидаги қиймати эса туп сон ортишига мос

равишда кўпайиб боради.

